



20 20 у « 10 » октябр

№ К-1568

«    »    20    г

**Тумандаги “PROFI AGRO EXPO”  
номли пахта ва ғаллачиликка  
ихтисослашган фермер хўжалигини  
ташқил этиш ва ижарага ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 28 сентябрдаги 47-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 28 сентябрдаги 47-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Маматқобилов Хамза бошлиқ “PROFI AGRO EXPO” номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташқил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Н.Мирзаев” массиви “Боболочин” маҳалла фуқаролар йиғини хўжалик харитасининг 166, 177, 666к, 529, 529а-дала контурларида жойлашган жами 52,16 гектар, шундан 50,65 гектар суғориладиган экин ер майдони, 1,01 гектар ариқ, 0,50 гектар йўл ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-банди талабига асосан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганида мазкур қарор бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.



6. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хошишига кўра тикора банкларининг бирдан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

7. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “FROF AGRO EXPO” номли пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган ферме хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишл ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокиминин Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

**TO'G'RI**  
ZBEKISTON RESPUBLIKAS  
SURXONDARYO VILOYAT  
QUMQO'RG'ON TUMAN  
HOKIMI UMUMIY  
BO'LIM MUDIR